

## ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМА № 2

Хива шаҳар \_\_\_\_\_

« 04 » Феврал 2022й .

«BUYUK SHODIYONA»МЧЖ бундан буён матнда «Сотувчи» деб аталувчи номидан раҳбари Ш.Авезметов фаолиятини амалга \_\_\_\_\_ низом \_\_\_\_\_ асосида оширувчи бир томондан ва \_\_\_\_\_ бундан буён матнда «Харидор» деб аталувчи номидан раҳбари \_\_\_\_\_ фаолиятини \_\_\_\_\_ низом \_\_\_\_\_ асосан кўрсатувчи, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузишди.

### 1. Шартнома предмети

1.1. «Сотувчи» ва «Харидор», кейинчалик номланадиган томонлар, биржа электрон савдоси натижаларига кура, куйидагича шартнома буйича «Харидор» тўлангандан кейин маҳсулотни қабул қилади, «Сотувчи» ўзига тегишли маҳсулотларни куйидагича курсатилган шартлар буйича етказиб беради:

№	Маҳсулот номи	Улч. бирлиги	Сони	Харидорнинг бошлангич нархи	Келишилган баҳо (сотув баҳоси)	Шартнома-нинг умумий қиймати (сотув суммаси)	Маҳсулот таснифи: товар белгиси, товар параметри, фирманинг номи, ГОСТ ва бошқа параметрлари
1	Сариёғ 82,5%	кг	150		34500	5175000	
2	Банан	кг	200		18500	3700000	
	<b>Жами</b>					<b>8875000</b>	

1.192. Шартноманинг умумий қиймати: Саккиз миллион саккиз юз етмиш беш минг сумни ташкил қилади. (езув билан езилади)

### 2. Товар етказиш ва тўлов шартлари

2.1. «Харидор» «Сотувчи»нинг ҳисоб-рақамига қонунчилигига асосан шартномада кўрсатилган маҳсулот миқдори суммасининг 30\_ фоизини олдиндан 3 банк иш кунида шартнома тегишли газначилик булинмаларида руйхатдан утказилгандан кейин ўтказишни ўз зиммасига олади. Қолган 70\_ фоизи маҳсулот тўлиқ етказиб берилгандан кейин ҳисоб вараги (ҳисоб китоб далолатномаси ва х.к.) ҳужжатларига асосан 3\_ банк иш кунида ўтказишни ўз зиммасига олади.

2.2. «Сотувчи»нинг ҳисоб рақамига оидиндан тулов туширилгандан кейин 3\_ банк иш кунида маҳсулотни етказиб беришини ўз зиммасига олади.

2.3. «Харидор» маҳсулотни олган пайтида «Сотувчи»нинг иштирокида олинаётган маҳсулотни бутлиги ва сифатини текшириши шарт.

2.4. Маҳсулотнинг етказиб берилиши (узи ҳисобидан ёки харидорнинг эшигигача етказиб бериш) \_\_\_\_\_ шарти билан амалга оширилади.

### 7. Тарафларнинг мажбуриятлари ва жавобгарлиги

3.1. «Сотувчи» ҳисоб рақамига оидиндан тулов туширилгандан кейин 3\_ банк иш кунида маҳсулотни етказиб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади

3.2. Маҳсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, ҳар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,4 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

3.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни «Харидор» қабул қилмаслигига ҳақлидир. «Сотувчи» сифатсиз маҳсулот қиймати миқдорида 0,5\_ % пеня тўлайди, сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб беради ва шартнома бекор қилинади

3.4. «Сотувчи» маҳсулотни ўз вақтида тўлиқ етказиб бермаганлиги учун «Харидор»га етказиб берилмаган ҳар кун учун маҳсулот баҳосидан 0,5 % пеня тўлайди, лекин 50 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.

3.5. «Харидор» «Сотувчи» томонидан давлат стандарти ва бошқа мейёрий ҳужжарига асосан шартнома бандларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлашини талаб қилишига ҳақлидир.

3.6. «Харидор» берилган буюртномага асосан «Сотувчи» томонидан шартномада курсатилган тегишли даражада сифатли маҳсулот етказиб барилишини талаб қилишига ҳақлидир, агар сифатсиз маҳсулот келтирилган бўлса «Харидор»нинг ихтиёрига кура алмаштириб берилиши ва шартноманинг бандлари тулик бажарилмаганлиги оқибатида келтирилган зарарни коплаб берилиши талаб қилинади.

3.7. Агарда «Харидор» олдиндан тулов амалга оширилгандан кейин 3\_ кун ичида маҳсулотни етказиб бермаса «Сотувчи» езма равишда «Харидор»га билдиришнома тақдим қилингандан кейин бир томонлама шартномани бекор қилиши мумкин.

3.7. Фақат қонунчиликда белгиланган ҳолатлардан бошқа пайтлари бир томонлама шартномани бекор қилиш ёки бандларини ўзгартириш йулга қуйилмайди.